АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА “ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШГАН МАТБУОТ НАЗАРИЯСИ”: ЎЗБЕКИСТОН ОАВ МИСОЛИДА

О.У. Абдуазимов

Мақолада “Трансформациялашган матбуот назарияси” Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари мисолида тадқиқ этилган. Бунда ахборотлашган жамиятда мамлакатимизнинг ахборот соҳасидаги амалга оширилган ислоҳотлари тизимли равишда таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *“трансформациялашган матбуот назарияси”, ахборотлашган жамият, матбуот эркинлиги, оммавий коммуникациялар, ОАВ, «коммунистик матбуот назарияси», собиқ тоталитар тузум, мустамлакачилик сиёсати.*

В статье на примере средств массовой информации Узбекистана рассмотрена “Теория трансформационной прессы”. Здесь системно проанализированы реформы, осуществленные в сфере информации в информационном обществе нашей страны.

Ключевые слова: *“теория трансформационной прессы”, информационное общество, свобода прессы, массовые коммуникации, СМИ, “коммунистическая теория прессы”, бывший тоталитарный режим, колониальная политика.*

On the basis of examples of mass media of Uzbekistan the author studies the peculiarities of “The theory of transformational press”. Here is systematic analysed reforms realized in the sphere of information in the information society of our country.

Key words:*. “The theory of transformational press”, information society, free press, mass communications, mass media, “The communist theory of press”, former totalitarian mode, colonial policy.*

XXI асрда журналистиканинг “коммуникация”, “публицистика”, “ОАВ”, “масс-медиа”, “оммавий коммуникациялар”, “жамоатчилик билан алоқалар (PR)” каби атамалар орқали таърифланиши соҳада ягона илмий аппарат (терминология) қўлланилмаётганидан далолатдир. Масалан, айрим адабиётларда журналистикага таъриф берилмаган [1]. Ҳозирда америкалик олимларнинг матбуотни сиёсий жиҳатдан 4 та: “авторитар матбуот”, “либертариан матбуот”, “матбуотда ижтимоий масъулият”, “коммунистик матбуот”ларга [2] ажратгани оммавий коммуникацияларни [3.63-65] тадқиқ этишда асос бўлмоқда.

З.Фрейд назариясида жамият ривожига хоҳиш-истак (либидо) кучли таъсир кўрсатса,

О.У. Абдуазимов *– Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети катта илмий ходим-изланувчиси, социология фанлари номзоди.*

Э.Фромм ҳам инсоннинг ички жинсий кечинмаларига алоҳида эътибор қаратган. Бироқ мазкур назариялар турлича талқин этилиб, натижада Ғарб ва АҚШ матбуоти эркинлигини тўлиқ (мутлақ) ифода этиш даражасида намоён бўлди. Д.Макуэйл коммуникациялар назарияларини умумлаштириб, аудиториянинг оммавий талаби сифатида қуйидагиларни қайд этади: 1. Кузатув. 2. Идентификация. 3. Шахслараро муносабатлар. 4. Кўнгил хушлик (хордиқ чиқариш). Бунда Макуэйл эскейпизм, релаксация, эмоционал разрядка ва жинсий мойилликни [4] назарда тутган.

С.Отамуратов фикрича, "тараққиётга жамиятнинг синфларга ажралишини ўзида ифода этувчи формацион ёндашув барҳам топиб, унга цивилизацион ёндашув, яъни ишлаб чиқариш кучларининг тараққиёти нуқтаи назардан қараш амал қилмоқда" [5.61]. К.Маркс иқтисодни жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида талқин этган. Агар матбуотнинг иқтисодий жиҳатига эътибор берсак, А.Умаров ўтган асрнинг 90-йилларида "Совет Ўзбекистони" (ҳоз. "Ўзбекистон овози"), "Ёш ленинчи" (ҳоз. "Туркистон"), "Правда Востока" газеталарининг адади 500000 дан 600000 гача ва ундан кўп бўлганини қайд этиб, 2005 йилда мазкур нашрлар 5800 – 5900 нусхада, яъни юз марта кам нусхада чоп этилганини [6.55-56] танқид қилган. Бу – ҳақиқат, бироқ мутлақ тўғри эмас.

Мустамлака давридаги "коммунистик матбуот"нинг "муваффақияти" ҳукмрон мафкурага хизмат қилган даврий нашрларга мажбурий обуна қилдириш орқали якка партияни тарғиб этишга қаратилган режали тақсимотга асосланган эди. Ушбу газеталарнинг ҳозирги ҳолатини 2005 йилга солиштирсак, "Ўзбекистон овози"нинг адади 3 маротаба (21236 нусха), "Туркистон"ники салкам 2 марта (11606), "Правда Востока"ники эса 5 баробар (32188) ўсганини кузатиш мумкин. Ўтган давр мобайнида мазкур газеталар тиражи нисбатан ошган бўлса-да, буни 90-йилларда-ги "қизил режа"ли обуна кампанияси натижаси бўлган умумий тираж билан солиштириш ижобий натижа бермайди. Лекин собиқ тузум даврида ташкил топган мазкур даврий нашрларнинг фаолиятини тўхтатмай, давлатимиз мустақиллигининг илк йилларидаги иқтисодий қийинчиликларга қарамай, сақлаб қолингани диққатга сазовордир.

Ҳолбуки, 2008 йилда бошланган глобал молиявий инқироз туфайли АҚШнинг айрим ОАВ фаолиятини тўхтатди. Масалан, Аризона штатидаги йирик "The Tucson Citizen" ва Мичиган штатидаги "Ann Arbor News" газеталари 2009 йил иккинчи ярмидан фақат Интернет тармоғи орқали чиққан; кейинги газета таҳририятда фаолият кўрсатган 214 нафар ходим эса ўз иш ўринларидан ажралган. 2009 йил бошидан Филадельфияда 2 та газета, Чикагодаги "Sun-Times Media Group" медиа компанияси ва "Tribune" нашриёт уйи банкрот деб эълон қилинган; Денверда эса "The Rocky Mountain News" газетаси ёпилган. Бошқача айтганда, АҚШ тажрибасидаги молиявий инқироз даврида эркин матбуот фаолиятининг тўхташи либералликни "бўғиш" ёки ахборот бозорида таҳририят (журналист) эркинлигини таъминлаш зарур деган баҳоналар билан демократияни ҳимоя қилишга сафарбар этмади.

Я.Засурский [7.3-5] ахборот соҳасининг трансформациялашувида кадрларга нисбатан талаблар жиддий тарзда ўзгариб боришига, С.Корконосенко [8] ва Л.Арушанян [9] коммуникатив жараёнларнинг социологик жиҳатига эътибор қаратишган. Шунингдек, Г.Бакулев [10] ва бошқалар ижтимоий жараёнлар трансформация [11]лашувининг фалсафий, сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ этишган. Бундаги характерли жиҳат, мутахассислар ахборот соҳаси трансформациялашуви, яъни ОАВнинг бошқа шаклда намоён бўлишини мавжуд ижтимоий тизим ўзгаришига боғлашган. Бизнингча, "трансформациялашган матбуот" ахборотлашган жамиятда шаклланиб ривожланади. Бунда жамиятни ислоҳ қилиш даврида бир босқичдан иккинчи босқичга, яъни "трибониклашган матбуот"дан "трансформациялашган матбуот" босқичига ўтиш ҳолати тушунилади.

Бизнингча, "трансформациялашган матбуот назарияси" дейилганда, ахборотлашган жамиятда матбуот эркинлигини нафақат моддий, балки маънавий ва ҳуқуқий жиҳатдан умуминсоний демократик қадриятларни ривожлантиришда ахборот соҳасини трансформациялаш орқали такомиллаштириб бориш тушунилмоғи керак. Ушбу назарияда ОАВ фаолияти (мазмуни) бир-бирига яқин бўлган ёки ҳар хил йўналишлардаги матбуот (таҳририят, муассис)нинг қўшилиши, ўзгариши орқали қайта тузилиши ҳам назарда тутилади. Бундан ташқари фаолият тури ҳар хил бўлган оммавий коммуникацияларнинг қўшилиши (ўзгариши) натижасида жамоатчиликка сифатли ахборот бериш хизматини ташкил этишда диверсификация ҳолатини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир.

"Трансформациялашган матбуот" деб ахборотлашган жамиятда оммавий коммуникацияларнинг маълум бир босқичдан иккинчисига

ўтишда анъанавий турдаги ОАВ ўзгартирилиши ёки қайта тузилишига айтилади. Хусусан, даврий босма нашрлари электрон матбуот тарзида намоён бўлади. “Трансформациялашган матбуот” 2 га бўлинади: оддий (ички) ва мураккаб (ташқи). Оддий трансформациялашган матбуотда маълум бир давлатда ахборот соҳасидаги миллий оммавий коммуникацияларнинг қўшилиши (фаолияти бир-бирига яқин), ташкил этилиши ёки қайта тузилиши (фаолият йўналиши ҳар хил бўлган) сабабли ахборот тарқатиш диверсификацияланади. Мураккаб трансформациялашган матбуот эса халқаро ахборот майдонида трансмиллий корпорацияларнинг ОАВ бўлиб, улар турли манфаатларга хизмат қилсалар-да, бироқ давлат ва жамият ривожида умуммиллий мақсад йўлида фаолият олиб бориши англанади.

Ахборотлашган жамиятда ОАВ самарадорлиги ва таъсирчанлиги ўзаро фаол ахборот алмашишга боғлиқ. Шу муносабат билан тадқиқотимиз доирасида биз ўтказган сўровда иштирок этган респондентларга “Сиз қайси оммавий коммуникациялардан кўпроқ ахборот оласиз?” деб савол берилди. Жавоблар таҳлилига кўра, ҳар 5 респондентдан бири (20,5%) матбуотдан кўпроқ ахборот олишини қайд этган, 42% респондент ахборотни “ТВ орқали оламан” деб, ҳар 3 респондентдан бири (33,6%) эса асосий ахборотни “Интернет тармоқларидан оламан” деб жавоб берган. Сўровда иштирок этганларнинг 17,8% и ахборотни “Радио орқали оламан” деб белгилаган бўлса, 1,3% респондент саволни очиқ қолдирган. Ушбу савол мутахассис-респондентларнинг ўзлари ахборот олишда кўпроқ қайси оммавий коммуникациялардан фойдаланишини ўрганиш мақсадида берилди. Жавобларда матбуот 20% билан учинчи, ТВ 39% билан биринчи ўринни эгаллаган. 33% мутахассис-респондент материал тайёрлаш учун асосий ахборотни “Интернет тармоқларидан оламан” деб жавоб қайтарган, 8% иштирокчигина ахборотни радиодан олишини маълум қилган. Жавоблардан Интернет ҳаётимизга жадал суръатда кириб келгани ва унинг ёшлар орасида оммавийлашгани ойдинлашди.

Назаримизда, ахборотлашган жамиятни барпо этишда давлатимиз томонидан олиб борилаётган тизимли ислоҳотлар жамоатчилик фикри мониторингини таъминлаш мақсадида «трансформациялашган матбуот назарияси» қуйидаги омилларга асосланади.

Биринчидан, сиёсий соҳада тегишли ислоҳотлар амалга оширилди. Бунда парламент трансформациялашиб, бир палатали тизимдан икки палатали тизимга ўтказилди. 2005 йилдан мамлакатимизда кўппартиявийлик асосида илк маротаба икки палатали парламент: Қонунчилик палатаси ва Сенат ўз фаолиятини бошлади. Яъни мамлакатимиз парламенти профессионал фаолият кўрсата бошлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциядаги айрим ваколатлари Бош вазирга ўтгани давлат ва жамият бошқаруви трансформациялашиб, ўзаро мувозанат сақланган ҳолда фаолият олиб бориш имконияти юзага келганини ифодалайди. Айнан XXI асрнинг ўтган даври мобайнида Интернетнинг uz доменида нафақат парламент, Ҳукуматнинг, балки мамлакатимиздаги деярли барча ОАВ ўз номи (тўлиқ ёки қисман) билан электрон манзили ёки веб-саҳифага эга бўлди. Жумладан, “Халқ сўзи” газетасининг www.xs.uz веб-саҳифаси ва info@xs.uz электрон манзили ташкил этилди. 2002 йилда ўзбек тилидаги журналларнинг электрон версияси яратилди. Хусусан, “Ёш куч” журналининг http://www.yoshkuch сайти ва бошқалар ташкил топди. Бунда ОАВнинг ахборот йиғиш, қайта ишлаш ва тарқатишдаги ижодий жараёни трансформациялашиб, таҳририятларнинг нафақат маҳаллий, балки халқаро миқёсда профессионал фаолият юритиш даври бошланди, дунёга сифатли ахборот тарқатиш имкони пайдо бўлди.

Иккинчидан, жамиятда кўппартиявийлик тизими трансформациялашди. Маълумки, сиёсий партиялар парламент учун кураш ва ўзаро рақобат муҳитида жамият манфаатини кенгроқ ифодалашга уринади. Бироқ унда партияларараро трансформациялашув ҳолати юз беради. Хусусан, 2008 йил 20 июнда Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси ва Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияларининг бирлашув қурултойи бўлиб, улар Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясига трансформациялашди. Бу, ўз навбатида, “Фидокор” ва “Миллий тикланиш” газеталари таҳририятларининг трансформациялашувига сабаб бўлиб, уларнинг “Миллий тикланиш” газетаси сифатида давлат рўйхатидан ўтиши ва 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлагани фикримиз далилидир. Бошқача айтганда, сиёсий партиялар фаолияти жамиятда ўз аъзолари сонини ошириш ва таъсир доирасини янада кенгайтиришга қаратилиб, уларнинг ғоя ва мафкуралари умуммиллий мақсад йўлида уйғунлашди.

Учинчидан, матбуот тизими трансформациялашди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 3 июлдаги “Матбуот ва ахборот

соҳасида бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони мамлакатимиз ОАВ трансформациялашувида янги механизмни юзага келтирди. Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига айлантирилиб, ушбу давлат идорасига “оммавий ахборот воситаларининг мустақил фаолиятига доир конституциявий ҳуқуқлар ва қонунчиликнинг сўзсиз бажарилиши, сўз ва матбуот эркинлиги кафолатлари таъминланиши мониторингини олиб бориш” [12/162] топширилди. Бошқача айтганда, ахборот соҳасида иерархик бўйсуниш тизими, назорат (цензура) амалда бекор қилинди. Шунингдек, 2007 йил 15 январда “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонун янги таҳрирда қабул қилиниб, унинг 4-моддасига асосан вебсайт [13.63] ОАВ тури сифатида қайд этилиб, соҳа фаолияти трансформациялашди.

Тўртинчидан, ижтимоий соҳада ҳам ислоҳотлар давом этиб, хусусан, 2001 йилнинг апрелида Ўзбекистон ёшларининг янги ижтимоий ҳаракати – “Камолот” ташкил этилди, унинг муассислигида “Туркистон” газетаси қайта рўйхатдан ўтказилди. Бошқача айтганда, аввал иқтисодий масалалар билан шуғулланган “Камолот” жамғармаси трансформациялашиб, ёшлар ижтимоий масалалари билан шуғулланиш имкониятига эга бўлди. Шунингдек, 2012 йилда “Маҳалла” жамғармаси ҳам трансформациялашиб, “Маҳалла” хайрия жамоат фондига айланди. Эътиборли жиҳати, “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурининг 68-банди ижросини таъминлаш мақсадида “Оила даврасида” газетаси ташкил топди. Ахборот бозорида соғлом рақобат ўрнатиш мақсадида кўп минг тиражли давлат ва хусусий газеталар: “Халқ сўзи” ва “Даракчи” билан бир қаторда нодавлат нашр сифатида “Оила даврасида” газетаси 2012 йил 12 майдаги нишона сонидан бошлаб йил давомида 100 минг нусхада чоп этилди. Мазкур нашрга 9 та муассис номидан мурожаат этиш (ваколат) ҳуқуқи “Маҳалла” жамоат фонди томонидан амалга оширилиши жамиятда нодавлат нотижорат ташкилоти ўрнини янада оширишга хизмат қилади.

Бешинчидан, суд-ҳуқуқ соҳасининг трансформациялашуви ОАВ орқали жамиятда ҳуқуқий маданиятни оширишга хизмат қилди. Президентнинг 2005 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармони мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини устувор қадрият сифатида мустаҳкамлаш йўлида қўйилган навбатдаги қадам бўлса, 2005 йил 8 августдаги “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги Фармони инсоннинг шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқларини муҳофаза этишда адолатли судга ишончни оширди. Бундан ташқари 2005 йил 18 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида юридик журналлар тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида 8 та юридик журналнинг мазмуни замон талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги, хусусан, “мавжуд нашрлар ўз мазмун йўналиши ва мақсадли вазифаларини белгилаб берувчи чуқур ўйланган, аниқ ўқувчилар доирасига мўлжалланган концепцияга эга эмас”лиги [14] танқид қилинганди. Натижада 2006 йилдан бошлаб янги журнал “Huquq va burch” ўз фаолиятини бошлади.

Олтинчидан, иқтисодий соҳадаги ислоҳотлар натижасида молиявий институтлар фаолияти такомиллашди. Хусусан, жамиятда турли хизматлар учун электрон тўловнинг жорий этилиши нафақат банк соҳаси, балки бошқа хизматлар фаолиятининг трансформациялашувига олиб келди. Бу борада “Электрон тижорат тўғрисида”ги (2004), “Электрон тўловлар тўғрисида”ги (2005) Қонунлар алоҳида аҳамият касб этди. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорининг 5-бандида, жумладан, “Мулкдор” газетасини “Биржа” газетасига айлантириш” [15] қайд этилгани иқтисодий соҳага ихтисослашган даврий нашр типологияси трансформациялашиб, давр талабига мослаштирилгани ҳам ўта муҳим ҳодиса бўлди. Шунингдек, бозор муносабатларида даврий нашрлар нархи эркинлашди. Бунда айрим таҳририятлар журналга унинг электрон вариантини диск ҳолатида қўшиб таннархни оширган бўлса, 2011 йил 25 апрелда “Бугун – Сегодня” кундалик бепул газетасининг нишона сони 15000 нусхада нашр этилиб тарқатилди. Ушбу ҳолатларда таҳририят муваффақияти маркетинг хизматидан самарали фойдаланишда намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан “Матбуот–шахс–жамият–давлат” ўртасида ўзаро ишончли қайтма (тескари) алоқаларнинг тизимли ривожланиши журналистиканинг ихтисослашувига олиб келади. Ушбу масалага социологик нуқтаи назардан ёндашиш мақсадга мувофиқдир.

Еттинчидан, босма оммавий коммуникациялар технологиялари трансформациялашиб бор-

моқда. Аввал мавжуд босмахоналарда чуқур босиш усули, офсет босиш усулидан фойдаланилган бўлса, кейинчалик техника такомиллашуви натижасида жамиятда ахборот тарқатиш имконияти кенгайди. Яъни, аввало, босмахоналарда флексография босиш усули учун босма қолип анъанавий “Computer-to-Film” (“компьютердан – плёнкага”) ишлаб чиқариш турига айланди. XXI асрда “Computer-to-Plate” (“компьютердан – қолипга”) усулига кўра босма қолиплар рақамли ахборотлар ёрдамида оралиқ ташувчилар (фотоқолип)сиз машинанинг ўзида тайёрланиши йўлга қўйилди. Масалан, 2004 йилда Тошкент матбаа комбинатида қўлланилган техникавий янгиликлар самараси сифатида “Bacher 3086” нусха кўчириш рамаси ёрдамида “FUJIH S4C384>>03,3” маркали офсет пластинага қоғоздаги матн ва тасвир нусхаси туширилди. Тайёр бўлган босма қолипдан “Speedmaster SM-74” чоп этиш машинасида нусха олинди. Бу эса ахборотлашган жамиятда босма оммавий коммуникациялар орқали хабарларни қисқа технологик жараён ичида офсет қоғозида 4 хил бўёқда тез ва юқори сифат билан арзон нархларда тайёрлаш ва тарқатиш имкониятларини янада кенгайтирди. Натижада бугунги кунда деярли барча матбуот нашрлари рангли ҳолатда чоп этилмоқда.

Саккизинчидан, ахборотлашган жамиятда амалдаги уч ҳокимият фаолияти трансформациялашиб, уларнинг реал ҳаётда жамоатчилик билан ишончли алоқалари янада мустаҳкамланди. Зеро, бу ҳолатда ижтимоий фикрни ривожлантириш жамоатчилик назорати ва журналист мониторингига боғлиқ бўлади. “Трансформациялашган матбуот” давлат бошқарувида очиқ ва масъулиятли қонун чиқарувчи (электрон парламент), ижро этувчи (электрон ҳукумат) ва суд (электрон суд) ҳокимиятлари фаолиятини аниқ, холис ва ҳаққоний ёритишда ўзаро ахборот алмашинуви орқали фуқароларда қонунга нисбатан ҳурматсизлик каби иллатларнинг шаклланиши натижасида пайдо бўладиган ижтимоий хаосга йўл қўйилмайди. Натижада “Электрон ҳукумат” тизимига кирувчи “виртуал” вазирлик, давлат қўмиталари, идоралари, элчихоналарда электрон ҳужжат (ахборот) айланиш даражаси тезлашиб, интерактив хизматлар кўрсатиш салмоғи ортди. Бу борада “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги (2003), “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги (2004) Қонунлар вазирлик ва идораларда, хусусан, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Матбуот ва ахборот агентлиги иш фаолиятига жорий этилгани айниқса эътиборлидир. Бундан ташқари 2014 йил 5 майдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонун [16] билан фуқаролар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига мурожаатларининг трансформациялашуви, яъни Интернет орқали реал вақт (он-лайн)да амалга ошириши сўз, фикр ва матбуот эркинлигининг ўзига хос кўринишидир. Дарҳақиқат, ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикрини таъминлашда соҳага дифференциялашган ҳолда ёндашиш талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони “Электрон ҳукумат” тизими ҳамда ахборот тизимларини жадал татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этди.

Тўққизинчидан, XXI асрда миллий матбуотнинг халқаро талаблар асосида трансформациялашиш жараёни кузатилди. Ўзбекистон Республикаси 2005 йил 15 январда “Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Берн конвенциясига қўшилди ва унинг қоидалари 2005 йилнинг 19 апрелидан республикамизда ҳам қўллана бошланди. Конвенция 38 та асосий модда ва ривожланаётган мамлакатларга имтиёз берадиган 6 та моддадан ташкил топган махсус қўшимча бўлимдан иборат бўлиб, унга кўра муаллифлик ҳуқуқининг муҳофаза қилиниши бевосита давлатнинг зиммасида бўлади. Ушбу талаблар асосида 2006 йил 20 июлда Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Шунингдек, 2006 йил сентябридан давлатимиз 160 дан ортиқ мамлакатларда жорий этилган ISBN бўйича халқаро агентликка аъзо бўлди ва Ўзбекистон Республикасига ISBN агентлиги томонидан 9943 хос рақами берилди. Ҳозирда нашрларни стандартлашнинг 3 та халқаро тизими ишламоқда. Булар: китоблар учун (ISBN), даврий матбуот учун (ISSN), мусиқа нашрлари учун (ISMN). Ўз навбатида, ушбу ҳолат Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 августдаги “Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 183-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида босма маҳсулотларни нашрга тайёрлашда ҳам 2006 йил 1 октябридан бошлаб барча босма маҳсулотларга жорий этилди.

Ўнинчидан, журналистиканинг ижтимоий институтдан демократик институт сифатида трансформациялашиш жараёни бошланди. Ху-

сусан, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси (2003), Электрон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди (2004), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 ноябрдаги Фармони билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди таъсис этилди. Мазкур фонднинг 2006 йил 23 мартдаги конференциясида "Босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари журналистларининг ахлоқ-одоб кодекси" ҳамда "Босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари Хартияси" қабул қилинди. Шунингдек, 2013 йилда қайта рўйхатдан ўтган "Ўзбекистон матбуоти" журнали ушбу Фонд муассислигида нашр этила бошланди. Бошқача айтганда, 1918 йилда ташкил этилган ушбу журнал нодавлат нашрга айланди. Бундан ташқари Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси трансформациялашиб, унинг қонуний вориси сифатида 2004 йилда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қайта ташкил этилди.

Ўн биринчидан, электрон оммавий коммуникацияларни трансформациялаш амалга оширилди. Жумладан, ТВ ва радио дастурларини рақамли каналлар ҳамда Интернет орқали онлайн тарзида тарқатиш ёки улардан веб-сайтлар, хусусан, mtrk.uz расмий сайти орқали воқиф бўлиш имкони пайдо бўлди. "Телекоммуникация тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, 2006 йили Женевада Халқаро электрон алоқа иттифоқи доирасида ўтказилган ҳудудий радиоалоқа конференциясида 174-230 мHz ва 470-862 мHz радиочастота полосаларида рақамли узатишни ривожлантириш бўйича режа қабул қилинган бўлиб, мазкур режага Ўзбекистон учун 817 частота ажратмалари киритилган. Ҳозирда рақамли телевидение (DTV)нинг асосан 3 та стандарти: DVB – рақамли ТВнинг Европа стандарти; ATSC – рақамли ТВнинг Америка стандарти; ISDB – рақамли ТВнинг Япония стандарти мавжуд. Ўзбекистонда Европа рақамли телевидение стандарти – DVB-T қабул қилинган бўлиб, 2015 йилда республикамиз бўйлаб тўлиқ рақамли узатишга ўтилиши режалаштирилган [17.52-53].

Ўн иккинчидан, ахборот соҳаси босқичма-босқич трансформациялашиб бормоқда. 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонунга 2014 йил 4 сентябрда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, қонуннинг 3-моддасига асосан "блоггер"лик [18] фаолияти жисмоний шахс сифатида қайд этилди. Бундан ташқари Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 23 майдаги "2001 – 2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, "Интернет"нинг халқаро ахборот тизимларига кенг кириб боришини таъминлаш дастурини ишлаб чиқишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Дарҳақиқат, Интернет тармоғини ривожлантириш ахборотлашган жамиятда Ўзбекистонни глобал ижтимоий-иқтисодий ҳамжамиятга интеграциялашуви, унинг интеллектуал салоҳияти ва турмуш даражаси сифатини оширишга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан 2013 йилда «2013 – 2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури» қабул қилинди. Хусусан, ҳозирда мамлакатимизда Интернетдан фойдаланувчилар умумий сони 10 миллион 200 минг кишидан ошди, яъни 2010 йилга нисбатан бу кўрсаткич 3,7 баробар ўсди. Бунга янги технологияларнинг пайдо бўлиши (WiMAX), Ўзбекистонда мобиль Интернет хизматлари ривожланиши асосий восита бўлмоқда.

Юқоридагиларга асосланиб, қуйидаги хулосани билдирамиз:

1. Оммавий коммуникациялар социологиясининг тизимли қиёсий таҳлил қилиниши журналистикадаги мавжуд муаммоларни холис ва ҳаққоний ўрганишга имкон беради. Бунда оммавий коммуникацияларнинг ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятини социологик жиҳатдан тадқиқ этиш унинг ижтимоий ҳодисаларни билиши, уларга диалектик ёндашишга ва ахборот соҳасида олиб борилаётган туб ислоҳотларни тизимли ва мақсадли амалга оширишга хизмат қилади.

2. Бу ҳолат журналистиканинг фикр, сўз ва матбуот эркинлиги жараёнидаги мураккаб вазифаларига илмий-методологик ёндашишни талаб этади. Бунда субъективизм ва волюнтаризмдан халос бўлиш мақсадида оммавий коммуникациялар социологияси орқали нафақат фан, балки журналистика соҳасига аниқлик киритилади. Натижада ахборотлашган жамиятда миллий ОАВга бўлган талаб ва эҳтиёж ортиб, таҳририят(лар) фаолияти такомиллашиши натижасида профессионаллашади ва аудитория билан ўзаро ишончли алоқалар йўлга қўйилиши таъминланади.

3. Оммавий коммуникациялар такомиллашуви натижасида горизонтал ҳолатдаги "Трибониклашган матбуот"дан янги давр – ахборотлашган жамиятида вертикал ҳолат бўйича

кўтарилиши (прогресс) орқали “Трансформациялашган матбуот”га ўтиш жараёни кузатилади. Ушбу ҳолатни мём услубига қўшимча қилган ҳолда Гётенинг: “Агар биз бунчалик аниқ билишга интилмаганимизда эди, кўп нарсаларни яхшироқ билган бўлур эдик. Биз предметни қирқ беш даражали бурчак остидагина билиб олишимиз мумкин” [19.153], деган фикри ўз тасдиғини топади.

4. “Трансформациялашган матбуот назарияси”нинг фарқли жиҳатларидан бири ахборотлашган жамиятда соғлом жамоатчилик фикри мониторингини таъминлаш мақсадида мулк шакли сифатида хусусий матбуот билан бирга давлат ва нодавлат ОАВнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий фаолияти ривожланиб боради. Зеро, мамлакатда ахборот соҳаси трансформациялашуви нафақат оммавий коммуникация воситалари, балки барча хизмат турлари фаолиятини сифат жиҳатдан янада такомиллаштиради.

5. Бугунги кунда барча жабҳаларнинг глобаллашуви, хусусан, матбуотнинг трансформациялашуви жараёнларида юртимиздаги журналист кадрлар етиштириб берадиган барча олий ўқув юртларининг илмий-педагогик ва техник-технологик имкониятларин янги босқичга олиб чиқиш тақозо этилади.

Адабиётлар:

1. Словарь-справочник: журналистика: реклама, паблик рилейшнз. / Авт. колл.: Ф.Нестеренко, М.Казем, Я.Маматова и др. –Т.: «Зар қалам», 2003.

2. Сиберт Ф.С., Шрамм У., Питерсон Т. Четыре теории прессы. / Пер. с англ. –М.: Вагриус, 1998.

3. Dominick J.R. The dynamics of mass communication. 5th ed. -N.Y. The McGraw-Hill Companies, Inc. 1996.

4. McQuail, D. Ed. McQuail`s Mass Communication Theory, 4th ed. –L., 2000.

5. Отамуратов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. –Т.: O`zbekiston, 2013.

6. Умаров А.А. Ижтимоий-маданий тараққиётни таъминлаш ва комил инсон шахсини шакллантиришда мутолаанинг роли / Соц. фан. докт.… дисс. –Т. 2005.

7. Засурский Я.Н. СМИ в условиях общественной трансформации. // Вестник Московского университета. Серия 10. Журналистика.- 2006.- №6.

8. Корконосенко С.Г. Основы журналистики. - М.: Аспект Пресс, 2001.

9. Арушанян Л.Л. Потенциал личности в информационных структурах трансформирующегося общества современной России. Автореф. дисс. … докт. соц. наук. -Краснодар, 2009.

10. Бакулев Г.П. Массовая коммуникация. Западные теории и концепции. - М.: Аспект Пресс, 2005.

11. Transformation of Capitalism. Economy, Society and State in modern times. - London, 2000.

12. Тўртинчи ҳокимият: Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, қарорлари ва бошқа ҳужжатлари тўплами. –Т.: Меҳнат, 2003.

13. Ахборот ва ахборотлаштиришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Т.: Адолат, 2008.

14. Huquq va burch.- 2006.- №1.

15. Халқ сўзи.- 2006. - 28 апрель.

16. Халқ сўзи.- 2014.- 6 май.

17. Қосимова Н. Рақамли TV истиқболи. // Ўзбекистон матбуоти.- 2010.- №4.

18. Халқ сўзи.- 2014.- 5 сентябрь.

19. Мангуликка дахлдор: Гётенинг ҳикматли сўзлари – заковат хазинаси // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари.-. 2008.- №1.

2015 йил 25 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: и.ф.д. Н.С.Алиқориев)